



100195, Toshkent shahri, Abay nomidagi ko'cha, 4-uy.
Tel.: (0371) 244-44-17, 244-44-13, Faks: (0 371) 241-82-12, email: servis@soliq.uz

BUYRUQ

2019 yil «31» may 25 -son

Солиқ-сервис ДУКнинг “Call-маркази”да 24 соат режимда мурожаатларни қабул қилиш тўғрисида

Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 27 майдаги 126-сонли “Солиқ-сервис” давлат унитар корхонасининг “Call-маркази”да жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини 24 соат режимида қабул қилиш тартибини тасдиқлаш тўғрисидаги буйруқнинг ижросини таъминлаш мақсадида,

Б У Ю Р А М А Н:

1. “Солиқ-сервис” давлат унитар корхонаси “Call-маркази”да (Рахманбердиев А) савдо ва аҳолига хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг ҳуқуқбузарлик ҳолатлари юзасидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини 24 соат режимида қабул қилиниши таъминлансин.

2. “Солиқ-сервис” давлат унитар корхонаси “Call-маркази” бўлим бошлиғи: (Рахманбердиев А)

- мурожаатларни қайд этиш китобини белгиланган тартибда юритилиб ҳар-бир мурожаатни тўлиқ қайд этиб борилишини;

- рўйхатга олинган ҳар бир мурожаат кейинги ижро учун “Электрон ҳужжат алмашиш” автоматлаштирилган ахборот тизими орқали, электрон суҳбат баёнини илова қилган ҳолда Давлат солиқ қўмитасининг “Мурожаатлар билан ишлаш” бўлимига киритиб борилишини таъминласин.

3. “Call-марказ” ҳар бир ходими “Call-марказ”да жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини 24 соат режимида қабул қилиш тартиби ва “Профилактик суҳбат матни” билан шахсан таништирилсин ва солиқ тўловчи (мурожаатчи) билан мулоқаат қилиш даврида ушбу тартибга ҳамда “Call-марказ” ходимининг телефонда суҳбатлашиш этикети қоидаларига қатъиян риоя қилсинлар.

4. Суҳбатлашиш этикети қоидаларига риоя қилмаган ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузган ходимлар белгиланган тартибда интизомий жазога тортилишлари ҳақида огоҳлантирилсин.

5. Ушбу буйруқ ижросининг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Директор



Ш.Қаюмов